**Бухоро** вилояти



# ҚУЁН БОҚИБ, БИРИ БЕШ БЎЛДИ

*Суратда: Тадбиркор – қуёнбоқар Эркин Обидов зоотехник Ориф Тешаев билан иш устида.*

**Пешкулик Эркин Обидов бир неча йилдан буён фермер сифатида пахтачилик ва ғаллачилик йўналишида иш олиб бориб, тузуккина иқтисодий самарадорликка эришди.**

Ўтган йил бошида ўз фаолият турларини кенгайтириш мақсадида фермер хўжалиги қошида қуёнчилик тармоғига асос солишга киришди. Бунинг учун соҳа мутахассислари билан маслаҳатлашди, интернет тармоғи орқали зарур маълумотларни ўрганди. Шу саъй-ҳаракатлари самараси ўлароқ, қуёнчиликни интенсив усулда ташкил этишга қарор қилди.

Шу мақсадда тузган режалари билан "Микрокредитбанк"нинг Бухоро тумани филиалига мурожаат қилди. Унинг ташаббуси банк томонидан қўллаб-қувватланиб, 200 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилди.

Фермер хўжалиги қошида ташкил этилган "Пешку қуёнчилик агрофирмаси" масъулияти чекланган жамиятига 150 та "Оқ великан" зотли қуёнлар келтирилди.

– Йил охирига келиб, қуёнларимиз 2 мингтага етди, – дейди тадбиркор Эркин Обидов. – Қиш мавсуми олдидан уларнинг бир қисмини аҳолига ва фермер хўжаликларига сотдик. Савдо ярмаркаларида қуёнларимиздан олинган парҳез гўшт маҳсулотлари билан иштирок этдик. Айни кунда қарамоғимизда 1 минг 200 бош қуён бор. Эрта баҳорда улар яна кўпайишни бошлайди.

Эркин аканинг таъкидлашича, у парваришлаётган қуёнлар бир йилда 5-6 мартагача 5-7 тадан болалайди. Ёш қуёнлар 60-70 кунда 2,5-3,5 килограммгача тош босади.

Тадбиркор тармоқнинг иқтисодий самарадорлиги хусусида тўхталиб ўтирмаган бўлса-да, унинг бу соҳадан олаётган даромадини юқоридаги рақамлар асосида чамалаб кўриш қийин эмас.

Суҳбатимиз асносида Эркин ака жорий йилда қуёнларни янада кўпайтириш ва уларни парваришлаш учун зарур ускуналар ҳамда етарли озуқа захираларини яратиш устида иш олиб бораётганини таъкидлади.

**Ҳамроз АЛИ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

**Сирдарё** вилояти

# Уруғликнинг сараси ҳосил баракасини белгилайди

Пахтадан мўл ва юқори сифатли ҳосил етиштириш уруғнинг саралиги, тез унувчанлиги ва турли касалликларга чидамлилигига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Селекционер олимларимизнинг серҳосил, толалиги юқори, турли касалликларга ва шўрга чидамли навларни яратишда сезиларли ютуқларга эришаётганлиги ўзбек пахтасининг жаҳонда шуҳрат топиб, харидоргирлиги янада ошишини таъминлаётир.

Чунончи, пахтакорларга тавсия этилаётган "С-6524", "Ан-Боёвут-2", "Бухоро-102", "Султон", "Порлоқ" навлари юқори ҳосилдорлиги ва шўрхок ҳудудларга чидамлилиги билан пахтакорлар эътиборини қозонди. Айниқса, уруғлик учун келтирилаётган чигитнинг унувчанлик даражаси, намлиги, ҳар минг дона уруғ оғирлиги корхона қошидаги лабораторияларда доимий назоратдан ўтказилиб, сўнгра тозалаш цехларида саралаш, дорилаш ва қоплаш ишларига рухсат берилаётганлиги бу йилги мавсумда ҳам деҳқонларга энг сара навларни етказиб бериш имконини беради.

– Заводлардан келтирилаётган уруғнинг, аввало, намлик даражаси, унувчанлиги ва саралигини лабораторияда чуқур таҳлилдан ўтказамиз, – дейди "Малик уруғлик чигит" тозалаш корхонаси бош муҳандиси Бозорбой Жўраев. – Таҳлил натижалари яхши бўлса, лаборатория шароитида экилган сара уруғ бир ҳафтада униб чиқади. Ана шу текширувдан кейин заводдан келган чигитни саралаб, дорилаш ва уруғлик учун тайёрлашга рухсат берилади. Лабораториямизда таҳлил-назорат ишларининг энг замонавий асбоб-ускуналарда амалга оширилаётгани уруғнинг сифатли сараланишини таъминлаяпти.

Дарҳақиқат, Сирдарё туманидаги "Малик уруғлик чигит" тозалаш корхонаси жамоаси уруғлик чигитни саралаб, дорилаш, қоплаш ва омборларга ғарамлаш ишларини уюшқоқлик билан давом эттирмоқдалар. Корхонада айни дамда кунига 50-55 тонна чигит сараланиб, дориланмоқда.

Уруғни тозалаш, саралаш ишларининг хориждан келтирилган замонавий "Пектус" ва "Юбус" агрегатларида амалга оширилаётганлиги иш суръатини ошириб, сифати янада яхшиланишига олиб келаётир.

– Тайёрланган уруғлик бир ярим-икки ой омборларда тиним даврини ўтайди, – дейди корхона раҳбари Ўткир Турдиев. – Бу даврда уруғнинг турли касалликларга чидамлилиги ошади. Саралаш даврида қўшилган "П-4" ва "Усхитон" препаратлари чигитни ҳар хил зараркунандалардан ҳимоялашда муҳим аҳамият касб этади. Чунки тиним даврида препарат уруғ қобиғига яхши сингади.

Бугун корхонада тайёрланаётган сара уруғлар эртага эгатларга тушиб, деҳқон орзусидек ҳосил беради. Жорий йилда 2 минг 200 тонна сара уруғлик тайёрлашни режалаштирган "Малик уруғлик чигит" тайёрлаш корхонаси ишчилари шу боис ҳам бор эътиборини сифатли уруғлик ҳозирлашга қаратмоқдалар.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

**Сурхондарё** вилояти

**Кейинги йилларда аграр соҳада амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар туфайли мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми тобора ортиб бормоқда. Айниқса, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилаётгани соҳа тараққиётида муҳим аҳамият касб этмоқда.**

# ҲАЁТБАХШ ДАСТУРЛАРНИНГ ИЗЧИЛ ИЖРОСИ

Биринчи Президентимизнинг 2007 йил 29 октябрдаги "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ва 2013 йил 19 апрелдаги "2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларнинг дастуриламали бўляпти.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳисобига ҳосилдорликни 20 фоизгача ошириш мумкин. Бугунги кунда соҳа ходимлари зиммасига ирригация-мелиорация тармоқларини ишчи ҳолатида сақлаш, коллектор-зовурларни реконструкция қилиш, таъмирлаш, тиклаш ва қайта қуриш каби муҳим вазифалар юклатилганлигининг боиси ҳам шунда аслида.

Айни пайтда соҳага қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли Сурхондарё вилоятида ҳам мелиорация тизимида салмоқли ютуқлар қўлга киритилмоқда. Жумладан, мазкур тизимни такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган дастур доирасида ўтган йили 1 минг 299 километрлик коллектор дренаж тармоқларида таъмирлаш-тиклаш, қурилиш ва реконструкция ишлари бажарилиб, 32 минг гектарга яқин экин майдонининг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Ҳудудда пахта ҳосилдорлиги ўртача 1-1,5, ғалла ҳосилдорлиги эса 3-4 центнерга ортди.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастурига кўра мелиораторларга замонавий экскаваторлар, дренаж ювиш агрегатлари ва бошқа техника воситалари лизинг шартномалари асосида етказиб берилмоқда. Ўтган йили 11 та экскаватор, 2 та дренаж ювиш агрегати, 6 та бошқа турдаги мелиоратив техника ва машина механизмлари харид қилинди. Мазкур техникалар эса тизимда иш унуми юқори бўлишини таъминлаяпти.

Қизириқ, Музработ, Шеробод туманларида олиб борилаётган мазкур йўналишдаги ишларда ана шу каби замонавий техникалардан унумли фойдаланилмоқда.

Ўтган йили вилоятда 79 километр узунликдаги коллекторларни реконструкция қилиш, 1219 километр коллектор-дренаж тармоқларини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари бажарилди. 1 минг 732 гектар суғориладиган майдонларнинг ер ости сизот сувлари сатҳи 3-3,5 метргача пасайтирилди. Бу жараёнда вилоятда ташкил этилган 4 та ихтисослаштирилган давлат унитар корхонасининг ҳиссаси катта бўлди. Келгусида бу йўналишдаги чора-тадбирлар кўламини янада кенгайтириш кўзда тутилган.

**Ўктам ПАРДАЕВ,**
*"Аму-Сурхон" ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг сектор бошлиғи.*

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида”ги ПҚ-2639-сонли қарори ижроси юзасидан қишлоқ жойларда аҳолининг кенг қатламларини замонавий ва шинам уй-жой билан таъминлаш мақсадида**

# «ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ ИНВЕСТ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

**2017 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилиши учун пудрат ташкилотларини танлаш юзасидан тендер савдолари эълон қилади.**

**Тендер савдолари эълон қилинган сана:** ***2016 йил 17 январь.***

**Тендер таклифларини тақдим этиш учун охирги муддат:** ***Эълон чоп этилган санадан 30 кундан сўнг.***

Қишлоқ жойларда қуриладиган янгиланган намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар типлари.

**1-тип:** Хўжалик иморатлари ва обод ҳовлилари бўлган икки, уч қаватли кўп квартирали (2, 3 хонали) уйлар;

**2-тип:** Хўжалик иморатлари билан биргаликда майдони 0,02 га. бўлган ер участкаларида жойлаштириладиган бир қаватли 2, 3 хонали уйлар;

**3-тип:** Хўжалик иморатлари билан биргаликда майдони 0,04 га. бўлган ер участкаларида жойлаштириладиган икки қаватли 4 хонали бирлаштирилган уйлар.

**4-тип:** Хўжалик иморатлари билан биргаликда майдони 0,06 га. бўлган ер участкаларида жойлаштириладиган бир қаватли 3, 4 ва 5 хонали уйлар;

Тендер иштирокчилари қуйида санаб ўтиладиган ҳар бир тендер пакетлари учун муҳрланган танлов таклифларини киритишлари мумкин.

“Қишлоқ қурилиш инвест” МЧЖ ИК (“Буюртмачи”) ҳуқуқий ваколатга эга бўлган тендер иштирокчилари қуйида келтирилган шартномалар бўйича янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун (“Қурилиш ишлари”) муҳрланган танлов таклифларини киритишларини таклиф қилади.

Тендер иштирокчилари қўшимча маълумот олиш ва тендер ҳужжатлари билан танишиш учун Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйида кўрсатилган манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин: Тошкент шаҳри Навоий кўчаси 18 уй. Телефон/факс: (0-371)241-15-26.

Тендер ҳужжатларининг нусхасини олиш учун иштирокчилар қуйидаги тартибда юқорида кўрсатилган манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

“_______вилояти, _________тумани, ____________ массивидаги, _________ лот ____та якка тартибдаги уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун тендер ҳужжатларини беришингизни сурайман.” шаклида юқоридаги манзилларга ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилиши лозим.

Тендер ҳужжатларини эълон берилган кундан бошлаб барча иштирокчилар олишлари мумкин.

Кейинчалик қайтариб берилмайдиган пул тўлови тендер ташкилотчиларининг – Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент вилояти ҳудудий консалтинг марказининг тегишли банк ҳисоб-рақамига ўтказилиши лозим. Бир тўплам танлов ҳужжатлари учун кейинчалик қайтариб берилмайдиган 100 000 сўм.

Банк ҳисоб-рақами реквизитлари қуйида келтирилган: Банк: “ASIA ALLIANCE BANK” АТБ Олмазор филиали, МФО 01102, ИНН:300017720. Ҳ/р: 20210000504546027001

Тендер ҳужжатлари қуйидаги тартибда тақдим этилиши лозим:

Юқорида кўрсатиб ўтилган Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент вилояти ҳудудий консалтинг марказига.

Таклифларни тақдим этиш сўнгги муддатигача:

Шартномалар рўйхатида кўрсатиб ўтилган вақтгача.

Тендер ҳужжатларида кўрсатилган тартибда декларация тақдим этиш.

Тендер таклифларининг очилиши таклифлар тақдим этишнинг охирги кунида тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган барча ташкилотлар иштирокида қуйида келтирилган манзилда ўтказилади: Тошкент вилояти ҳокимлиги. Тошкент шаҳри Мовароуннаҳр кўчаси 17 уй.

Қўшимча маълумотлар учун “Қишлоқ қурилиш инвест” МЧЖ ИКнинг қуйида келтирилган ҳудудий филиалларига мурожаат қилишлари мумкин: Тошкент вилояти филиали. Тошкент шаҳри Бунёдкор кўчаси 100 уй. Тел: (0-371) 216-66-32.

Тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган ташкилотлар, қурилиш ташкилотлари Давлат реестри рўйхатига кирган ҳамда қуйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:

| Уй типлари | Бир дона уй (хонадон) учун талаб этилади: | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | Талаб этиладиган йиллик ўртача айланма маблағ (сўм). | Қурилиш малакаси ўхшаш ҳажм ва характердаги шартнома (сўм). | Сўнгги бир йил давомида бажарилган ер ишлари ҳажми м$^3$. | Сўнгги 3 йилда бажарилган бетон ишлари м$^3$. | Сўнгги 3 йилда қуриб битирилган уйлар майдони м$^2$. |
| Кўп қаватли 2, 3 хонали уйлар | 100 000 000 | 80 000 000 | 30 | 50 | 120 |
| Бир қаватли 2, 3 хонали (0,02 га.) уйлар | 100 000 000 | 80 000 000 | 30 | 50 | 120 |
| Икки қаватли 4 хонали қўшиб қуриладиган уйлар (0,04 га.) | 180 000 000 | 145 000 000 | 30 | 50 | 120 |
| Бир қаватли 3, 4 ва 5 хонали (0,06 га.) уйлар | 200 000 000 | 160 000 000 | 30 | 50 | 120 |

| Лот | Ҳудудлар номи | Массивлар номи | Жами уйлар (хонадонлар) сони | шу жумладан: Кўп қаватли 2, 3 хонали уйлар | | | Бир қаватли 2, 3 хонали (0,02 га.) уйлар | | Икки қаватли 4 хонали бирлаштирилган уйлар | | Бир қаватли 3, 4 ва 5 хонали (0,06 га.) уйлар | | Таклифларни топширишнинг охирги муддати |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | сони | Уй рақами | хонадон | сони | Уй рақами | сони | Уй рақами | сони | Уй рақами | |
| Тошкент вилояти | | | 118 | 3 | | 48 | 70 | | 0 | | 0 | | |
| 995 | Бекобод | Янгибозор | 16 | 1 | 1 | 16 | | | | | | | 2017 йил 16 февраль соат 11:00 |
| 996 | Бекобод | Янгибозор | 10 | | | | 10 | 1-10 | | | | | 2017 йил 16 февраль соат 11:00 |
| 997 | Бекобод | Янгибозор | 10 | | | | 10 | 11-20 | | | | | 2017 йил 16 февраль соат 11:00 |
| 998 | Оҳангарон | Убайд | 15 | | | | 15 | 1-15 | | | | | 2017 йил 16 февраль соат 11:30 |
| 999 | Бука | Й.Ходжиматов | 5 | | | | 5 | 11-15 | | | | | 2017 йил 16 февраль соат 11:30 |
| 1000 | Янгийўл | Наврўз | 10 | | | | 10 | 1-10 | | | | | 2017 йил 16 февраль соат 11:30 |
| 1001 | Қибрай | Оққовоқ | 10 | | | | 10 | 1-10 | | | | | 2017 йил 16 февраль соат 12:00 |
| 1002 | Қибрай | Янгиобод | 10 | | | | 10 | 1-10 | | | | | 2017 йил 16 февраль соат 12:00 |
| 1003 | Қибрай | Янгиобод | 16 | 1 | 1 | 16 | | | | | | | 2017 йил 16 февраль соат 12:00 |
| 1004 | Қибрай | Янгиобод | 16 | 1 | 2 | 16 | | | | | | | 2017 йил 16 февраль соат 12:00 |

# ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ БЕШ ЙИЛЛИК МУДДАТИ ТАМОМ БЎЛГАН ВА БЎШ (ВАКАНТ) ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ЛАВОЗИМЛАРИГА МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ АСОСИДА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ (январь):



## КАФЕДРА МУДИРИ:

Мевачилик ва узумчилик кафедраси; Гуманитар фанлар кафедраси; Умумий техника фанлари ва ҳаёт фаолияти хавфсизлиги кафедраси; Ўрмончилик ва ўрмон мелиорацияси кафедраси; Деҳқончилик ва қишлоқ хўжалиги мелиорацияси кафедраси; Ветеринария кафедраси; Қишлоқ хўжалик машиналари кафедраси.

## ПРОФЕССОРЛАР:

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва маркетинги кафедраси; Ўсимликлар ҳимояси ва карантини кафедраси; Гуманитар фанлар кафедраси; Олий математика, физика ва кимё кафедраси (математика фани бўйича); Ўсимликшунослик кафедраси; Қишлоқ хўжалик машиналари кафедраси; Қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш ва техник сервисни ташкил этиш кафедраси (0,5); Қишлоқ хўжалигида электр энергетика ва электротехнологиялар кафедраси; Ветеринария кафедраси (0,5);

## ДОЦЕНТЛАР:

Гуманитар фанлар кафедраси (фалсафа фани бўйича); Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва маркетинги кафедраси; Қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби ва аудит кафедраси; Информатика ва ахборот технологиялари кафедраси; Зоотехния кафедраси; Ипакчилик ва тутчилик кафедраси; Ветеринария кафедраси; Жисмоний маданият ва спорт кафедраси; Умумий техника фанлари ва ҳаёт фаолияти хавфсизлиги кафедраси (0,75); Қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш ва техник сервисни ташкил этиш кафедраси (0,75); Қишлоқ хўжалик машиналари кафедраси; Қишлоқ хўжалиги экинлари генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги кафедраси; Ўсимликлар ҳимояси ва карантини кафедраси; Ботаника ва агробиотехнология кафедраси; Мевачилик ва узумчилик кафедраси; Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси кафедраси; Олий математика, физика ва кимё кафедраси (кимё фани бўйича); Ўсимликшунослик кафедраси; Деҳқончилик ва қишлоқ хўжалиги мелиорацияси кафедраси; Ўрмончилик ва ўрмон мелиорацияси кафедраси;

## КАТТА ЎҚИТУВЧИЛАР:

Қишлоқ хўжалигида менежмент кафедраси; Ўсимликлар ҳимояси ва карантини кафедраси; Гуманитар фанлар кафедраси (Ҳуқуқшунослик фани бўйича);

## АССИСТЕНТЛАР:

Қишлоқ хўжалигида менежмент кафедраси; Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва маркетинги кафедраси (0,5); Манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш кафедраси; Зоотехния кафедраси; Қишлоқ хўжалигида электр энергетика ва электротехнологиялар кафедраси; Қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш ва техник сервисни ташкил этиш кафедраси; Қишлоқ хўжалик машиналари кафедраси (0,5); Ўсимликлар ҳимояси ва карантини кафедраси (0.5); Гуманитар фанлар кафедраси; Мевачилик ва узумчилик кафедраси (0,5); Ўсимликшунослик кафедраси; Деҳқончилик ва қишлоқ хўжалиги мелиорацияси кафедраси; Агрокимё ва тупроқшунослик кафедраси; Ўрмончилик ва ўрмон мелиорацияси кафедраси; Олий математика, физика ва кимё кафедраси (кимё фани бўйича); Ўзбек тили, педагогика ва психология кафедраси (педагогика ва психология фани бўйича);

Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик кафедраси (0,5); Ипакчилик ва тутчилик кафедраси (0,5); Информатика ва ахборот технологиялари кафедраси.

## ЎҚИТУВЧИЛАР:

Жисмоний маданият ва спорт кафедраси; Хорижий тиллар кафедраси (немис тили фани бўйича ); Ўзбек тили, педагогика ва психология кафедраси (рус тили фани бўйича)

Танлов учун ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

**Талаб қилинадиган ҳужжатлар**: Ректор номига ёзилган ариза, сўровнома, таржимаи ҳоли ва мазкур кафедрада ишлаш учун тегишли олий маълумоти ҳақидаги дипломи ва қатнашувчиларда илмий даража, илмий унвон, шунингдек, илмий ишлар ва ихтиролар мавжуд бўлган тақдирда улар тегишли дипломлар, аттестатлар нусхаларини ва илмий ишлар рўйхатини, малака ошириш тўғрисидаги гувоҳномалар.

**ҲУЖЖАТЛАР ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛГА ТОПШИРИЛАДИ:**
100140, Тошкент-140, Тошкент давлат аграр университети, бош бино, 2-қават, Илмий кенгаш. Телефон: 260-42-73.

Фуқаро Артиков Анварга тегишли нафақа Гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"MEDLINE HEALTH" МЧЖ (СТИР 303473596) барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўтган ҳолда "MEDLINE DIAGNOSTIC CENTER" МЧЖга (СТИР 207186122) қўшилиш йўли билан қайта ташкил этилади. Даъволар учун тел.: (95) 194-61-21.

Тошкент ш. Учтепа т. ҳокимияти ТСРЎИда (27.01.2012 й., реестр № 004139-01) рўйхатдан ўтган "GOLD TIM MED" МЧЖ (СТИР 301795284) устав фонди 12 607 378 сўмдан 9 000 000 сўмга камайишини маълум қилади.

"MARKETING SERVIS" Шўъба корхонасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли "Узметаллсавдо" ОАЖ Назорат Кенгашининг 17.01.2017 й.даги йиғилиш қарорига асосан "MARKETING SERVIS" МЧЖга ўзгартирилади. Тел.: +99893 505-90-03.

"REAL MAX GROUP" МЧЖнинг (СТИР 302964695) устав фонди 199 532 000 сўмдан 55 000 000 сўмгача камайтирилади. Манзил: Тошкент ш. Олмазор т. Қорақамиш 2, 6, 7, 8-дўконлар.

Тошкент ш. Олмазор т. ҳокимияти томонидан рўйхатга олинган "JET SERVICE" ХКнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли "JET SERVICE" МЧЖга ўзгартирилади.

Тошкент ш. Олмазор т. ТСРЎИда (15.07.2015 й., реестр № 008352-05) рўйхатга олинган "BEST REALTORS GROUP" МЧЖ (СТИР 302883435) фаолияти корхона муассисларининг 18.01.2017 й.даги 4-сонли баённомасига (ПҚ 630-қарорига) асосан ихтиёрий тугатилади. Даъволар 2 ой мобайнида +99894 923-88-88 тел. орқали қабул қилинади.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (30.12.2014 й., реестр № 0115385) рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркор Aliev Rustamjon Yunusovichга (СТИР 487957294) тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (22.01.2015 й., реестр № 0115493) рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркор Isaakov Rustam Rasilovichга (СТИР 478588861) тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"PANTERA MET SERVIS" Шўъба корхонасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли "Узметаллсавдо" ОАЖ Назорат Кенгашининг 17.01.2017 й.даги йиғилиш қарорига асосан "PANTERA MET SERVIS" МЧЖга ўзгартирилади. Тел.: +99893 505-05-12.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (002585-01, 18.12.2008 й.) давлат рўйхатидан ўтган "SAIDOLIMXON BIZNES" ХКга (СТИР 301008897) тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (004083-01, 07.12.2010 й.) давлат рўйхатидан ўтган "MUZAFFAR FAZLIDDIN PRINT" МЧЖга (СТИР 301750253) тегишли давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақида гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 31.01.2012 й.да "MED-INDEKS" МЧЖ (СТИР 301975732) номига фармацевтик фаолият учун берилган, дори воситалари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берувчи № 8710 ю рақамли лицензия йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"METALL KLASS" Шўъба корхонасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли "Узметаллсавдо" ОАЖ Назорат Кенгашининг 17.01.2017 й.даги йиғилиш қарорига асосан "METALL KLASS" МЧЖга ўзгартирилади. Тел.: +99893 505-05-12.

Тошкент ш. Учтепа т. ҳузуридаги "Ягона дарча" марказида (21.11.2016 й., реестр № 005580-01) рўйхатдан ўтган "NEW GREEN BUSINESS" ХКга (СТИР 302472091) берилган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Қарши тиббиёт билим юрти томонидан 1991 й.да Зокирова Мавлуда Эргашевна номига берилган Г-1 № 357579 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан "SHAXSTRANS 19-06" МЧЖ номига берилган АТ серияли 1265176, 1265177, 1265178, 1265180, 1265184, 1265185, 1265186, 1265188, 1265190, 1347570, 1277952, 1277957, 1277958, 1277951, 1266136, 1266137, 1266140, 1266141, 1291053, 1291054, 1291055 рақамли амал қилиш муддати тугаган лицензия варақалари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"METALLSAVDO LYUKS" Шўъба корхонасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли "Узметаллсавдо" ОАЖ Назорат Кенгашининг 17.01.2017 й.даги йиғилиш қарорига асосан "METALLSAVDO LYUKS" МЧЖга ўзгартирилади. Тел.: +99893 505-05-12.

"BOJMET-SERVIS" шўъба корхонасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли "Узметаллсавдо" ОАЖ Назорат Кенгашининг 17.01.2017 й.даги йиғилиш қарорига асосан "BOJMET-SERVIS" МЧЖга ўзгартирилади. Тел.: +99894 644-66-29.

Тошкент ш. Олмазор т. "Ягона дарча" марказида (008745-05, 12.01.2016 й.) рўйхатга олинган "JAFAR FARM MED" МЧЖ (СТИР 303712488) тугатилади (таъсисчининг 19.01.2017 й.даги 1-сонли қарорига асосан). Даъволар 2 ой мобайнида 5 пр. Нозимахоним кўч. 31-уй манзилида қабул қилинади.

Тошкент ш. Олмазор т. ҳокимияти ТСРЎИда рўйхатга олинган "IBRAT LIZING SERVIS" МЧЖга тегишли бурчак муҳри (штампи) йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. М.Улуғбек т. ТСРЎИда рўйхатга олинган "SANDRIN STAR" МЧЖнинг (СТИР 207134645) фаолияти норентабеллиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 й. апрелдаги ПҚ 630-сон қарорига асосан тугатилади.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (006246-01, 10.01.2014 й.) давлат рўйхатидан ўтган "PLASTIK DEKOR KLASS" МЧЖга (СТИР 302789614) тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (01-00495, 03.03.2011 й.) қайта давлат рўйхатидан ўтган "AKROM-GRAND" МЧЖнинг (СТИР 204422574) устав жамғармаси 40 997 178 сўмдан 8 455 749 сўмга камайтирилади.

Тошкент ш. Юнусобод т. БТИ томонидан Абдусатторова Дилбархон Абдужалил қизи номига Юнусобод 11-даҳа 2-уй 16-хонадон учун берилган кадастр ҳужжатлари ҳамда уй плани йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

